

Ёсин - менинг ҳужжатим



17:00 / 06.02.2021 3016

(Цемент сотувчи йигитнинг айтганлари)

...Тўғриси айтсам, мен илгари ўғри бола эдим. Ўрганиб қолган эканман, ов илинжида бош тикмаган тешигим қолмаган. Бировнинг ҳамёнини ковлаш, дўкандан нимадир сўрамасдан олиш, қўшнинг молига кўз олайтириш – булар мен учун кунлик майда-чуйда ишлар эди. Тухумдан бошланган бу ишлар товукқа, ҳатто ундан ҳам йирикроқларига қўл урган кунларим бўлган. Юрагим ортига тортадиган ўша жоҳилият замонларимни асло эслагим келмайди. Аммо ўн йил муқаддам ажиб бир ибрат содир бўдиким, ўғриликни ташлаттириб, қалбимга иймон чўғини солган ўша ҳикматли воқеани ҳар доим эслаб тураман.

Чинакам инсонпарвар миршаб(мелиса)лар ўғри билан тўғрини жуда яхши фарқлайди. Уларда қандайдир ички сезги, ички туйғу бўлади, шекилли. Сезимсиз бефаҳмлари тухматдан тоймайди. Тажрибали миршаблар қадам олишиданми, юриш-туриш ёки кўзларининг ўйноқлагани ё қийшиқ қўлнинг ҳаракатиданми – нима бало билмадим – одамни одамдан дарров ажратади.

Бир куни менинг йўлимни тўсган мелисалар ҳам тажрибалилар тоифасидан эди.

- Ўғрига ўхшайди, - деди бири иккинчисига.

Кўп тўқнаш келган эмасманми, аланг-жаланга чек қўйиб, ўзимни эркин, бепарво тутаман. Тумтарақай чап бериб қочишдан фойда йўқ. Улар жуда тез югуришади. Тажрибада бир неч бор синалган бу. Энди жоҳилига бирор ҳақиқатни исботлашга уриниш ҳам бефойда, барибир.

- Бўлимга олиб бориб, яхшилаб текшириш керак, - деди иккинчиси. Худо кўрсатмасин.

- Ока?! - дея бир оғиз сўз билан эътироз ва ҳайрат билдираман.

Мени бошдан-оёқ кўздан кечирар эканлар:

- Ҳов, анави чўнтагингдаги нима? - дейишди.

- Ҳужжатим? - дейман ва беихтиёр кўйлак чўнтагимдан «ҳужжатим»ни чиқариб бераман уларга. Бу «ҳужжат»ни чўнтакка қачон, қаерда ва нима учун солиб қўйганимни ўйлаб, ҳали бугунгача ўйимнинг охирига ета олмайман.

- Ие, бу «Ёсин» сураси-ку?! - дея улардан бири йўл бўйида тик турганича, «Бисмиллаҳ»ни айтиб ўқий бошлайди: - «Ёсин, Вал Қуръанил ҳаким. Иннака ламинал мурсалин ъала сиротим-мустақим. Танзилал-ъазизир-роҳим...»

Кўзим чиқиб кетди, довдираб донг қотдим. Чунки, аввало, ёнимда ҳужжатим йўқ, иккинчидан, ёлғончи бўлдим...

Худо ҳаққи, Аллоҳ уларга инсоф берди. Қўлимга «Ёсин»ни - Аллоҳнинг каломи битилган мўъжаз китобчани тутқазаркан, бири бошқасига:

- Юринг, кетдик, бу бола ўғри эмас, - деди.

Улар ўз йўлига кетди, мен эса уйга қайтдим.

Шу-шу ўғрилиқни ташладим. Қалбимда Аллоҳнинг каломига ихлосу муҳаббат ўша воқеадан кейин пайдо бўлган...

Тўғрисини айтай, яшириб нима қиламан, мактабда «икки»чи эдим, китобни ҳарфлаб, қийналиб ўқирдим. Аллоҳга осон экан: уйда ётиб олиб, жуда кўп китоб ўқиб ташладим. Арабий имлони тузук-қуруқ билмайман-у, аммо намозни канда қилмайман.

Мана кўриб турганингиздек, тирикчилик учун шу бозорда цемент сотаман. Бир кун ундай, бир кун мундай. Аллоҳ берган ҳалол ризқни олиб бориб бола-чақага едираман, ота-онамнинг дуосини оламан...

Қалбида ички бир ҳаяжон гупуриб турган бу йигитнинг айтадиган гапи кўп эди. Ҳолбуки, вақтим зиқ. Гап-гапга уланиб бошланиб кетган суҳбатни тўхтатиш ниятида цементнинг нархини яна бир марта такрор сўраб, нари кетдим.

Баҳодир Нурмуҳаммад

«Ҳилол» журналининг 1(22) сонидан